



1995 йил 10 июндан
чиқа бошлаган

ДИЛ


ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

MILLIY TIKLANISH

ДИЛ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Истиқлол берган имкон



ОЗОД ЮРТИМ — ОБОД ЮРТИМ

Мамлакатимизда ўтган ўн олти йил давомида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари келгуси авлодлар учун эҳтимом эртақдек туюлар. Балки улар ҳам худди бизлардек ота-боболари ижодкорлигидан руҳланиб келаятганда мўъжизалар яратишар.

Истиқлол йиллари мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди. Ўзбекистон улкан қурилишлар, бунёдкорлик жўш урган мамлакатга айланди. Миллий иқтисодиётни шакллантириш ва уни тубдан ислоҳ қилиш мамлакатимиз мустақил тараққиётининг энг муҳим омили ва асосини ташкил этди. Юртимизда ёқилғи-энергетика ва галла мустақиллигига эришилди. Унгача бўлган даврда нефть ва нефть маҳсулотлари, дон ва ун маҳсулотлари катта миқдордаги валюта эвазига четдан келтирилди. Янги нефть-газ конларини аниқлаш, нефть ва газни казиб олиш учун зарур бўлган инвестициялар олиб кирилди, жумладан, хориж сармояси жалб этилди. Бухорода нефтни қайта ишлайдиган янги замонавий завод барпо этилди. Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводлари модернизация ва реконструкция қилинди. Ўзининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятига қўра ўхшаши бўлмаган Шўртан газ кимё мажмуаси қурилди.

Асака ва Самарқанд шаҳарларида автомобил заводлари бунёд этилди. Аҳолининг автомобиль билан таъминланиш даражаси бир неча баравар ортди. Собик иттифок даврида галла ва ун маҳсулотларига бўлган эҳтиётнинг саксон фоиздан ортиги четдан келтирилган маҳсулотлар эвазига қондирилди. Пахта хомашеси сув текин нархда четта чиқарилар, четдан эса озик-овқат маҳсулотлари, гўшт, сут, картошка, шакар келтирилди. Бугун эса бундай маҳсулотлар Ўзбекистонимизнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган. Мамлакатимиз ўзининг галлага бўлган эҳтиё- жини қоплагани қолмай, қўшни мамлакатларга галла ва ун маҳсулотлари экспорт қилмоқда.

Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш натижасида маҳаллий хомашени қайта ишлайдиган, жаҳон бозоридида кескин рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар тайёрлайдиган озлаб саноат корхоналари ишга туширилди. Сўнгги йилларда барпо этилган Навоий — Нукус, Ташкент — Бойсун — Қумқўрган темир йўл магистралларининг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Агар Хоразмга йўлингиз тушиб, Амударё устига қурилган бахайиб кўприкдан ўтсангиз, кўнглингиз тоғдек кўтарилади, қалб-бингиз гурурга тўлади. Ҳар гал Қамчиқ довомидаги текис ва раво йўлдан ўтар эканман, беихтиёр йўлсозлар шаънини тахсинлар ўқийман. Бу йўл доводий вилотларини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи асосий кон томирдай гап. Бир-биридан чиройли ва қулай академик лицейлар, касб-хўналар коллежлари, умумтаълим мактаблари қурилишларини айтмайсизми! Булар амалга оширилган ишлардан бир шингил, холос.

Ешларимиз истиқлол туфайли халқимизнинг шонли, шухратли, қонли, оловли тарихини рўй-рост ўқиб, ростакимизга танишиш имкониятига эга бўлди. Бузиб, тўқиб ясалган "ўтмиш"имиз ёлгонлардан халос этилди. Ва бугун фарзандларимиз аждодлари руҳи поклари қаршида ҳурмат ила таъзим бажо этмоқда, бундан фахрланмоқда. Аждодлар шаън-шавкатига муносиб яшаётганларидан, эзгу ишларини давом эттираётганларидан севиношади. Кечагидек ёдимда: мактабда ўқиб юрган кезларимизда тарих фанида ўзбек халқи саводсиз бўлган, ўтмиши исиз, улاردан чиққан саркардалар қонхўр, жаллод дея танишдилар эди. Наҳоткилар бўлсинки, Амир Темури ҳақидаги маълумотларни ўқиб, бобомиз тўғрисида ёмон ўйларга борганмиз. Яратганга шукрки, Юртбошимиз ташаббуси билан буюк соҳибқирон бобомизнинг бутун буй-баста тарихи адолат шамчироғи билан тикланди. Бугун ул зот зиёратига ҳурмат билан боряпмиз.

«Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган гоъвий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпририлиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак».

Ислом КАРИМОВ.

«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» — МАЪНАВИЯТ КУШАНДАСИ

Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзусидаги маърузасидан биз иқтисод қилиб келтирган бу оғоҳлантирувчи сўзлар жиддий эътиборни талаб қиладиган маъноларга эга. Чиндан ҳам, мустақил тараққиётнинг ўтган ўн олти йиллик қисқа бир даври мобайнида халқимизнинг ички дунёсида, маънавий ва сиёсий дунёқарашидан тарихий туб ўзгаришлар юз берди. Шу билан бирга, бизнинг маънавиятимизда яна бир тамойил шаклланди ва у тобора такомиллашиб, феъл-авторимизнинг муҳим бир хусусиятига айланиб бормоқда. Бу — оғоҳлик ҳис-туйғуси! Хушёрлик тамойили. Бунинг сабаблари эса жиддий: мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида халқимиз қўлдан ва қўлтилламан анча-мунча синовларни ҳам бошдан кечирди. Сездикки, жаҳонда бизга мустақилликда яшаш бахтини раво кўрмайдиган ғаразли кимсалар ҳам оз эмас экан.

Бугунги «синов»лар ўз никоби ва рангини ўзгартириб, янада мажорона, айёронга тус олмақда. Мустақилликимизга қарши кимсалар, қўллар, марказлар энди бизни ичдан емирмоқчи, яъни халқимизни — халқ миллатимизни — миллат қилиб турган асослардан, асрлар мобайнида шаклланиб ва авайлаб, ривожлантириб келинаётган миллий маънавий-ахлоқий, руҳий тамойилларимиздан беғоналаштиришмоқчи. Масалан, «Оммавий маданият» хуружини олайлик.

Юридадиган бўлса, улар инсоният яратган барча қадриятларни **исёнкорлик** билан инкор этади: юксак маданиятни, маънавиятни, ахлоқни, юксак орзу-мақсадларни менсимайди... Улар учун эзгуликнинг ўзи йўқ. Жумладан, санъат — алоҳида истеъдодлар томонидан яратилган маънавий бойлик, мўъжиза эканлиги каби ижоднинг олий мезонлари «поп-маданият» тарафдорларининг ўта даражада гашини келтиради. Уларча, ҳамма санъаткор бўлиши мумкин. Ҳамма нарса санъат аталиши мумкин. «Поп-арт» — оммавий санъат шу ҳулоса манбаида вужудга келган.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Ешларнинг жамият ҳаётидаги иштироки ва ўрни» мавзусида учрашув ўтказилди.

Партиянинг Арнасой туман кенгаши томонидан «Биз озод юрт фарзандларимиз» мавзусида тадбир ташкил этилди.

ЎзМТДП Янгиобод туман кенгаши хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Никоҳга сadoқат — оила, келажак авлодга сadoқат» мавзусида учрашув ўтқазилди.

«Оммавий маданият» Фарб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Уни Фарбада «популяр» ёки қисқартирилган ҳолда, «поп-культура» (яъни «оммавий маданият») деб аташади. Гарчи «маданият» деб аталса-да, аслида, туб мазмун-маъносига, мақсад-ниятига қўра «оммавий маданият» чинакам маданиятнинг кушандасидир. Мустақилликнинг фикрича, ҳали илм-фанда «антикультура» («гайримаданият») деган илмий тушунча шаклланимаганлиги учун «Поп (оммавий) маданият» тушунчаси, ноҳорликдан қўлланилмоқда. Чунки, «оммавий маданият», аслида маданиятсизлик, яъни маънавий-ахлоқий ва ахлоқсизлик синонимидир. «Оммавий маданият» шу босқанда, энг аввало, юксак истеъдод ва ўлмас маънавий-ахлоқий гоълар байриқчи бўлган мумтоз маданиятга, санъатга, унинг бойлиқларига қарши тиш-тирониш билан курашиб, уни инкор этиш келпапти. Фарб дунёсининг ўзидеги файласуфлар, социолог олимлар, «Бизга «Тўққизинчи симфония» (Бетховен) керак эмас!» ёки «Мона Лизани» лойга қораштирма!» каби ҳаётлар парастликка асосланган хитоблар «оммавий маданият» тарафдорлари ва мухлисларининг дастурий қарашлари негизини ташкил этади, деб ёздадилар.

Таассуфли жиҳати шундаки, гоҳида гоънда истеъдодли инсонлар ҳам «оммавий маданият» тарғиботчилирининг кутқусига учраб, унинг тегиримонига сув қуймоқда. Масалан, рассом Салвадор Дали Леонардо да Винчининг «Мона Лиза» («Жақонда») асарини яратган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мана шундай «аччиқ истеъдодли, қўра мазмунли кулги» — «оммавий маданият» фаолиятининг энг етакчи белгиладиган биридир. «Оммавий маданият» намояндалари қўра, захарханда, беҳаё кулгун «исён офодаси» деб билишади. «Нимага қарши исён» деган савол туғилди. Агар «поп-маданият» дунёга «эхсон» элтаётган «поп-арт» («таъсирли санъат» деса ҳам бўлади), «поп-музыка», «поп-адабиёт» натижаларига қараб ҳукм

ли томони шундаки, бундай ҳолатларни «поп-музыка»чилар санъатдаги демократизмнинг, халқчилликнинг тантанаси, деб билишади. Аслида, уларнинг сахнада ўзларини безорилардай тутиши санъатни ва санъаткорликни ерга уради. Бу эса ҳайрон қоларли эмас: чунки асл санъатни ерга уриш — «Оммавий маданият»нинг дастурий, яъни ўз олдига мақсад қилиб қўйган вазифаларидан биридир. «Поп-музыка» намояндалари ижро этадиган қўшиқ матнлари эса, аввало, шеъриятнинг оддий талабларига жавоб бермайди ёки улар кўпроқ кўчада мавжуд беҳаё, жаргон иборага — қадриятларни, инсоний эзгуликларни киноя, мазаҳ қиладиган сўзларга асосланган. Хуллас, эркинлик, демократия «намуналари» деб тавсия этилаётган «поп-музыка» матнлари билан ҳақиқий шеърият ҳамда асл халқий дид, соғлом руҳият, маънавий ўрғасида ер билан осмонча фарқ бор.

1964 йилда АҚШда Т.Сазерн ва М.Хоффенберг деган икки муаллиф ҳамкорликда ёзилган «Кэнди» («Асал қиз») номли романини нашрдан чиқаришди. Кейинчалик бу китоб қайта ва қайта, катта миқдорда америкалик китобхоналарга тақдим этилди. Ушбу роман асосида яратилган кинофильм кинотомоқда бозорда кенг тарқалди. «Кэнди» қаҳрамони, «Асал қиз» деб таърифланган жувон дун қилган одам билан тўшақда айш-ишрат қилишдан чарчамайди. Унинг ишқибозлари — турли диний ва сиёсий қарашли шахслардир. «Кэнди» романи Америка адабиётини шаклланди ва кенг тарқалган романтик табиатли, шарқ ва ғўзал ўй-хаёлларга берилувчан қизлар тинимсизлигини кескин ҳис қиладди, уларнинг устидан кулади. Бадий маҳорат талабларидан анча паस्ता турадиган, аммо «қўнғилочарлик мавзуси мухлисларини ошуфта этган бу китобга АҚШ адабиётшунослари: «Мададий таназзулда олдинга қараб қўйилган улкан қадам», дея киноя билан баҳо беришди.

Худди шу китоб билан айни бир вақтда АҚШда Жон Речи исми Ўзбекистонда «Тунги шаҳар» номли романи чоп этилди. Китоб саҳифаларида шаҳардаги тун — жиноятлар баҳаси айланган, инсон шахси ва унинг қадри эса миз қаҳқаҳа арзимайди. Бу роман «тубанлик ва қабоҳат — инсон табиатини белгиловчи ҳақиқатдир», деган гоъни тасдиқлаш учун битилган. Биз нега бу икки романи эсладик? Айнан, ана шу китоблар ва улар асосида яратилган фильмлар — Фарбада «оммавий маданият»нинг адабиётдаги, телевидение ва кинодаги йўлини белгилаб берди. Интим муносабатлар, шавхатарлик, зуравонлик, худбинлик, «Ким кули бўлса — ўша ҳақ» деган чангалзорлар мустика ниқоли остида оммавий вазасали, шайтоний талвасали, бадахлоқ рақслар, кўпинча охири жанжал, ур-йиқит, ваҳшийликкага бориб етадиган агрессив дискотека шоуларини уюштириш билан ажралиб туради. 1970 йилда Калифорниянинг Алтамонте шахрида бўлган мустика фестивалида ўзини «поп-музыка» қироли ҳисоблайдиган «Роллинг Стоунз» («Айланаётган тош») гуруҳи концерти ана шундай ур-йиқитлар билан туғаб, полиция бу моҳаро оқибатлари билан узоқ муддат шугўлланишига тўғри келган эди. «Поп-музыка» намояндалари ўз «оммавий»ликларини таъкидлаш учун сахнадаги хатти-ҳаракатлари ва кийим-либослари намойишида ҳам — одоб-ахлоқ, жамиятга эҳтиром туйғуларини рад этиб — асосан кўча, оломончилик қўнун-қондаларига амал қиладилар. Ва ўзларининг қулгули даражада ажралиб турадиган шундай рафторларидан фахрландилар. Афсусланар-

Ўринбой КЕНЖАЕВ.

Партиянинг Денов туман кенгаши томонидан «Баргикенглик — миллатимизга хос фазилат» мавзусида тадбир ўтказилди.

ЎзМТДП Янгиобод туман кенгаши хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Никоҳга сadoқат — оила, келажак авлодга сadoқат» мавзусида учрашув ўтқазилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Давоми. Боши 1-бетда

-дими-йўқми, айнан Фарб оламида беаза қовунинг уруғидай кўлайиб, томир отаётган «оммавий маданият» тасвирида «Поп (оммавий) адабиёт» ҳам тугилган. Ва бу «адабиёт» «оммавий маданият»нинг тубан гоъялари тарбиясига хизмат қилмоқда.

«Оммавий маданият» кўндан-кўн шаклларида ўзини намойён этади. Китч (заррача бадий-эстетик кимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш), комикс (тагига қисқа матн ёки лўқмалар битилган беҳаё матбаа — расм махсулотлари), стратизм (субъектив эхтиросларга берилган ҳолда, эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар, теледидкторлари илоҳийлаштириш), хэлпининг (аввалдан режалаштирилмаган, ногаҳона уюштирилган «кескин» томошалар, масалан, роля, пианино ёки автомобиллари уриб ажбанини чиқариш ёхуд ўт қўйиш орқали ваҳшиёна, оммавий «кўнгли очиш-лар уюштириш» «оммавий маданият»нинг айрим кўринишлари.

Юқорида биз Фарба «оммавий маданият»нинг тарихи, тугилиш манбалари тўғрисида сўзладик. Хозирчи? Хозирга келиб эса бу тамойиллар янада гўвгаб, томир оташти. Масалан, «поп-музыка»га хос ўша ритмик «бит» (зарб), қўшқ нибобидеги аллахшир, валдиршах яқин дидсиз «репп-лар» тасвири дунё микёсидан тарқалиб, миллий муомтоз ва халқ мусиқа санъатидан одамзотни узлаштирмоқда. Фарб давлатларининг айримларида «оммавий маданият» тарқатаётган «порнография» (шармисизлик, ҳаёсизлик) ҳамда сандизм (зўравонлик) тарғиботи йўлидаги гоъялар, қарангки, суд қарорлари асосида, бирин-кетин олиб ташланапти. Ҳатто АҚШ мактабларида «Янги рок» мусикалари ўқув дастурлари киритилган...

«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» — МАЪНАВИЯТ КУШАНДАСИ

«Оммавий маданият» мактабининг «натихалари» эса аққол кўрини турибди. Масалан, АҚШнинг айрим мактабларида содир этилаётган портлашлар, болаларнинг савдойи, вос-вос кимсалар кўлида кўрбон бўлатгани, ёшлар феълда кучайиб бораётган агрессивлик жабон оммавий-ахборот воситалари орқали ҳаммага маълум. «Эксантинги ўрасан» деб шунга айтсалар керак-да.

«...Маданият соҳасида Америка жабон ёшлари орасида алоҳида жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бу эса АҚШга жабоннинг ҳеч бир давлатига насиб қилмаган сиёсий таъсирни таъминлайди. Айниқса, Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жабон бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллайди. Унинг оммабон мусиқаси, америкаликларнинг кизиқишлари, оверкланишларидаги одатлари ва ҳатто, кийинишларидаги бутун дунёда тақдир қиладилар». АҚШ сиёсати ва мафкураси намояндалари ўз мамлакатлари манфаати, сиёсати ва турмуш тарзини фақат китоблар, публицистик чиқишлар орқали тарғиб этиш билан чекланиб қолаётганлари йўқ. Дунё халқларини «ғарблаштириш»га уринишлар қуроли сифатида, масалан, «оммавий маданият» воситаларидан, турли-туман ахборот тарғиботи (реклама, маълумот, кино, телевидение каби) йўлларида зўр бериб фойдаланилмоқда.

«...Маданият соҳасида Америка жабон ёшлари орасида алоҳида жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бу эса АҚШга жабоннинг ҳеч бир давлатига насиб қилмаган сиёсий таъсирни таъминлайди. Айниқса, Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жабон бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллайди. Унинг оммабон мусиқаси, америкаликларнинг кизиқишлари, оверкланишларидаги одатлари ва ҳатто, кийинишларидаги бутун дунёда тақдир қиладилар». АҚШ сиёсати ва мафкураси намояндалари ўз мамлакатлари манфаати, сиёсати ва турмуш тарзини фақат китоблар, публицистик чиқишлар орқали тарғиб этиш билан чекланиб қолаётганлари йўқ. Дунё халқларини «ғарблаштириш»га уринишлар қуроли сифатида, масалан, «оммавий маданият» воситаларидан, турли-туман ахборот тарғиботи (реклама, маълумот, кино, телевидение каби) йўлларида зўр бериб фойдаланилмоқда.

«...Маданият соҳасида Америка жабон ёшлари орасида алоҳида жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бу эса АҚШга жабоннинг ҳеч бир давлатига насиб қилмаган сиёсий таъсирни таъминлайди. Айниқса, Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жабон бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллайди. Унинг оммабон мусиқаси, америкаликларнинг кизиқишлари, оверкланишларидаги одатлари ва ҳатто, кийинишларидаги бутун дунёда тақдир қиладилар». АҚШ сиёсати ва мафкураси намояндалари ўз мамлакатлари манфаати, сиёсати ва турмуш тарзини фақат китоблар, публицистик чиқишлар орқали тарғиб этиш билан чекланиб қолаётганлари йўқ. Дунё халқларини «ғарблаштириш»га уринишлар қуроли сифатида, масалан, «оммавий маданият» воситаларидан, турли-туман ахборот тарғиботи (реклама, маълумот, кино, телевидение каби) йўлларида зўр бериб фойдаланилмоқда.

Президентимизнинг ўзбекистон мустақил тараққиётининг 16 йиллигига бағишланган маърузасида таъкидланганидек, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кеч...

Президентимизнинг ўзбекистон мустақил тараққиётининг 16 йиллигига бағишланган маърузасида таъкидланганидек, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кеч...

Президентимизнинг ўзбекистон мустақил тараққиётининг 16 йиллигига бағишланган маърузасида таъкидланганидек, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кеч...

Фарҳоджон ҳар галгидай барвақт уйғонди. Ҳовлига чиқса қалингина қор ёғибди. Чилла совуғи. «Жиз» этиб юзига урди. Ошхона томонда куйманиб юрган онасига кўзи тушди. Қорларни у ён-бу ён супуриб, йўлак очиб ҳам улгурибди.

Турсуной опа шунанга. Ҳамиша барвақт туради. Болаларини ҳам шунга одатлантирган. — Кор зўр ёғибди-ю, ая, — деди у саломдан сўнг. — Бу қор эмас, барака, ризқ-рўз. Ерга куч, деҳқонга қувонч, элга саломатлик, — деди аяси. Онажонни ҳамма нарсадан яхшилик кидирувчи, ҳар нарсага ақшиқликка йўвчи ажабий инсон.

— Каллаи сахардан сиз ошхонада нима қилаяпсиз? — Муборакнинг ёнидаман-да, болом. Мен нима қилардим, келимининг пазандалигига томошабинман, холос. Мўъжаз ҳовли она-боланинг мамнун кулугисига тўлади. Дарҳақиқат, Муборак қайнонасига тортиди. Унинг ишларини кўрган кўни-кўшиллар: «Шу келинни тупроғи қайнонасиники билан бир жойдан олинган-ов», — дейишди. Ҳақиқатан ҳам Муборак билиб ишини қиладиган келинлардан чиқди. Тайёрлаган таомларининг мазаси оғизда қолади. Оиласига овақтлар пишириш, фарзданлар тарбияси, уй саранжомлиғи унинг доимий йомуши. Енига қизчаларини олиб ҳовлининг у бошидан-бу бошига елади. Аёл — уйнинг чироғи, деганлари шу бўлса керак. Зум ўтмай ўқувчи қизлар — Нодирабегим, Азизабончулар дастурхон атрофида келиб ўтиришди. Нонушта аснода бутун ким нима иш қилиши режалаштирилади. Сўнгра ҳамма ишга, юмушга...

Фарҳоджон иккала қизалоғини мактабга кузатиб, онасига юзланди. Онаси ҳар доимигидек дуода. Рафиқаси Муборак ҳам меҳрли нигоҳлари билан уни дарвозага кузатади. Фарҳоджон иш жойига келиб ўтирган эди ҳамки, телефон жиринглаб қолди. — Муқофот муборак, Фарҳоджон, иш фаолиятларинг юқори баҳоланибди. Кам бўлманг.

«Комилжон жуда эътиборли йигит-да», — деб ўйлайди Фарҳоджон телефон гўшагини кўраган. Комилжон Маматқулов Гулистон шаҳридаги «Аҳлиқил» маҳалласида бошланғич партия ташкилоти етакчиси. Партиядош эмасми, Фарҳоджон етакчилик қилаётган «Гулистон нефть база» унитар корхонаси бошланғич партия ташкилотининг раёбатлантирувчи муқофот олинганлигини эшитиб биринчилар сафида табриқлапти.

Фарҳоджон 2001 йилдан буюн ўзМТДП аъзоси, бошланғич партия ташкилоти етакчиси. Дастлаб ўзи ишлаётган жамоада бу партияга аъзо бўлганлар очилди. Бора-бора сафлар кенгайиб 56 нафарга етди. Айни пайтда жамоада Дилфуза Юнусова, Малика Абдуллаева, Бахтиёр Ибодуллаев, Исом Абдуқодиоров сингари фаол аъзолар борки, улар билан бирга ибратли ишлари амалга оширишди. Айниқса, партиянинг жамоат ташкилотлари билан олиб бораётган ҳамкорлиги яхши самара берапти. Ана шу ҳамкорлик асосида оналик ва болалиқни, ногирон ва нафақахўрларни ижтимоий химоя қилиш, миллий анъаналарни асраб-авайлаш,

ФАРҲОДЖОННИНГ САҲОВАТИ

кенг тарғиб қилиш, ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, оилага, маҳаллага, эл-юртга муҳаббат ва садоқат руҳини камол топтириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёшлар йили муносабати билан эса амалга оширилади ҳам ишлар режалаштириб олинди. Унга кура «Ёшлар — келажакимиз пойдевори», «Илм имконияти сари етаклайди», «Фаоллик — муваффақият демак», «Олтин давр қадри», «Спортни сев», «Маҳалла кунлари» мавзуларида турли тадбирлар, уч...

Партиямиз фаоллари

рашувлар ўтказилади. Уларни ўтказишда эса, албатта, партиянинг «Ёшлар қаноти» фаолларига суянди. Фарҳоджон унитар корхона директори муовини. Бу вазифа ҳам унга катта масъулият юклайди. Лекин ёш, сергайрат, ишчан йигит мана шу фаолиятини партия иши билан биргаликда олиб боради. Ўзи аъзо бўлган партия нуфузини жамоасида баландга кўтарилади. Шундан бўлса керак, аъзолар сафи борган сайин кенгайиб борапти.

Яқинда иш фаолиятларида доир суратли альбом тайёрлашди. Фарҳоджон уни тез-тез кўлга олиб арақлаб туради. Унда ҳозирчага қилган юмушларидан лавҳалар ўрин олган. Зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, эл ардоғини дағи таниқли ижодкорлар, меҳнат фахрийлари, иқтидорли ёшлар билан анчагина учрашувлар ўтказилди. Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов билан бўлган уш ширин сўбатлардан хотира — лавҳа. Уша кўн ёзувчидан қанча ҳаёт сабақларини олишди. Юксак истеъдод соҳиблари билан юзма-юз бўлиш барибир бошқача экан.

Вилоят марказидаги Олим Ҳужаев номи театрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ўзМТДП Марказий кенгаши раиси, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, Ўзбекистон халқ шоирлари Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азим билан ўтказилган «Давлат тили — фаримиз, гуруримиз» деб номланган тадбирлар ва Гулистон шаҳридаги «Маънавият ва маърифат» марказида ҳамда шаҳар историкот бондига Ўзбекистон Қўрамоли, атоқли олим, профессор Озод Шарафидинов хотирали бағишлаб ўтказилган шахмат турнири ва Гулистон давлат университетидеги зиёлилар, минглаб талаба ёшлар билан Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган адабий-маърифий анжуман, учрашув ва тадбирлар ўчмас хотирага айланибди.

Фарҳоджон ёшларидан ижод аҳлига меҳр қўйган. Устоз Озод Шарафидинов...

хонадонда бўлганида: «Илоё, унинг-ўсин, келажакда улуг даргоҳлар насиб этсин», — деган эди. Ушунда Фарҳоджон хали олий даргоҳ талабаси эди. Устознинг бу дуолари унинг мурғак юрагига муҳаббат қолган экан. Йиллар ўтиб вилоят марказида ўзМТДП вилоят кенгаши ташаббуси билан устоз Озод Шарафидинов хотирали бағишлаб ўтказилган шахмат турнирига бош-қош бўлди. Фарҳоджон хали-хамон бундай савабни тадбирларни ўтказишда давом этмоқда.

Фарҳод асли иқтисодчи

бўлса-да, қалбан ижодкор. Ижод аҳлига муҳаббати баланд. Зиёлилар партиясига аъзо бўлишига ҳам маълум маънода ана шу муҳаббатнинг даҳли бор. ўзМТДП Марказий кенгаши худудий партия кенгаши фаолиятини тубдан яхшилаш мақсадларини қўлаб танлов эълон қилган, қўлаблар сафида Фарҳоджон Ақромов етакчилигидаги бошланғич партия ташкилоти ҳам бор эди. Қимматбаҳо совғалар топширилган, бир гурӯх ижодкорлар гурӯнглашиб қолишди. Ўзбекистон Қўрамоли, халқ шоири Абдулла Орипов Фарҳоджонни бағрига босаркан: «Ҳаммаша ота-боболаримиз, азиз авлиёлар руҳи қўласин», — деди-да, 4 томлик асарини дастхат ёзиб совға қилди.

Эл ардоғидеги инсоннинг бу эътиборидан Фарҳоджон қаттиқ ҳаяжонланди. Ҳа, бундай инсонлар назарида тушиш ҳазил гап эмас. Фарҳоджон баян чуккур уйига толади. Ақойиб оила-си, ширин қизлари, семимли касби бор. Жамоасида, эл орасида ҳурмати жойида. Ҳаётда қўқилмай илгарилар борапти. Дуолар ижобати, азизлар руҳи қўлагани шумики? Бир йилги маҳалладоши 75 ёшли Тўлаш бобо айтганди: «Йулни супурган билан йул курганнинг юзи доим ёруғ бўлади. Фарҳоджон биз яшаб турган Сирдарё шаҳридаги Маърифат ва С. Холматов кўчаларида асфальт ётқизиб қўл савоб иш қилди. Илоҳим, юзи ёруғ бўлсин».

Фарҳоджон партия фаоллари билан ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар хонадонларида бўлади. Ташрифлардан яраб кетган чехраларни кўришди. Кетар чоғларида ортларидан дуо эшитилади: «Асло кам бўлманлар». Бундай дуолар Фарҳоджонга болалигидан таниш. Эсини танибдики, онаси тилида дуолар: «Болам камлик қўрмагин, содадли эл қорига яровчи бўлсин».

Яхши фарзанд эл ишонин оқлайди, Яхши фарзанд элнинг гулу боласи. Саховатинг бололардан асрайди, Эй, халқимнинг йўли очиб боласи!

Маматқул БОЗОРБЕКОВ, Сирдарё вилояти.

ёшларни маънавий айтиштига олиб келадиган ҳолатларга) йул қўйма-ликлар керак. Афсуски, бундай ҳолатлар юз берапти.

Қолаверса, дунёқараш тарбияси имкониятларини ривожлантиришнинг лозими. Масалан, «Огоҳлик» иборасининг маъноларини бугунги замон шароитидан келиб чиқиб, анча кенг микёсда тушунишимизга тўғри келади. Яъни бугунги огоҳлик халқимиз, айниқса, ёшлар дилини, руҳиятини, ақл-идроки ва умуман маънавиятини диний-ақидпарастлик, жаҳолтарастликлар хатаридан ташқари, айни пайтда, жаҳонда эз бераётган сиёсий, маънавий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва эстетик манфаатлар йўналишидаги ошқоша ва хуфя курашларнинг кенг микёсдаги хатарли хижатларидан, муқладан, «оммавий маданият»нинг емирмувчи тасвиридан муҳофаза қилишни ҳам ўз ичига олади.

Илоҳи бўлса, мамлакатимиз таълим тизимининг — мактаблардан тортиб толий таълим муассасаларигача бўлган барча босқичлари ўқув дастурларига ана шундай кенг, юксак малакали, илғор замонавий, маънавомунли, махсус «Огоҳлик» дарсларини киритиш мақсадида мувофиқ-дир. Бу йўлак қўриладиган муҳим ва жиҳдий масалалар.

Бундай сабоқлар муҳтарам Президентимиз Исом Қаримовнинг «Ғояга қарши — гоғ, фикрга қарши — фикр, жаҳолатга қарши — маърифат» билан қурашишдек ниҳоятда замонавий, улуг аҳамиятли таълимотиға жуда-жуда мос келади.

Михил САФАРОВ, журналист. («Маърифат» газетасининг 2008 йил 23 январь сонидан олинди).

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш ҳалқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг омалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намойён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгиқа ёндошувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» халқаро танловини ўтказди.

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» НИ МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Жабон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган «Олтин қалам» танлови 2007 йилнинг 31 мартидан 2008 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газет ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатишган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2008 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов гоҳилари учун қуйидаги муқофотлар тасис этилган: Журналистика соҳасида беш миллий муқофот. Гоҳил махсус диплом, «Олтин қалам» кўрак нишон ва Ўзбекистон Республикасида берилган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда пул муқофоти билан тақдирланади. Асосий муқофотлар: Энг яхши журналистик материал учун миллий муқофот (телевидение - 1-, 2-, 3- ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий муқофот (радио - 1-, 2-, 3- ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий муқофот (даврий матбуот - 1-, 2-, 3- ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий муқофот (Интернет-журналистика - 1-, 2-, 3- ўринлар).

Биринчи ўринчи олган гоҳиллар диплом, «Олтин қалам» кўрак нишон ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорда пул муқофоти билан тақдирланади. Иккинчи ўринчи олган гоҳиллар диплом, «Олтин қалам» кўрак нишон ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорда пул муқофоти билан тақдирланади. Учинчи ўринчи олган гоҳиллар диплом, «Олтин қалам» кўрак нишон ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорда пул муқофоти билан тақдирланади. Раёбатлантирувчи муқофотлар доирасидаги номинациялар: журналистика ривожига қўшган устуни; фаол фуқаролик позицияси учун; иқтимоий-сиёсий маззуда энг яхши таҳлилий материал учун; иқтимоий-иқтисодий маззуда энг яхши таҳлилий материал учун; «Ёшлар йили»га бағишланган энг яхши материал учун; маънавий-маърифий маззуда энг яхши материал учун; ҳарбий-ватанпарварлик маз-

бурот агентлиги, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати муассислигида нашр этилаётган журналистик электрон вариантини Интернет тармоғида ҳам ўқиш мумкин. — Утган 50 йилнинг салкам тент ярми давомида «Гунча»га муҳаррирлик қилганидан бехайрман, — дейди қувонч билан Яяра Саъдуллаева. — Шу пайт мобайнида Гунчаой, Тариков ва Темиржонлар билан бирга ўйнадим, қулдим, қўқимди, ургандим. «Гунча» қозонида қайнаган рассомлар, Маҳмуд ака Муродовдек бағридари журналист ва ёзувчиларга тасанно дейман. Утган устозларни Аллоҳ раҳмат қилсин. Улар ишини давом эттираётган жаҳоллар омон бўлишсин. Бугун ҳам журналининг сахиқларини ранг-баранг суратлар, шеърлар билан тўла. Илк сонлари бугун эллик ёшдан ошган олтишнинг тўлдирётганларга завуқ сабоқ улашганидек, истиқлол болаларининг ҳам энг яқин ҳамроҳига айланиб, уларнинг ёруғ орзуларига қанот бағишламодим. Журналнинг илк сонига «Бу — мен «Гунча»-ман. Ўзим мана шу январда туғилдим. Қаёққа қарамай, арча байрам. Маза қилдим. Энди ҳамма вақт сизлар билан бирга бўламан», — деган сўзлар билан бошланган экан. Чин маънода яхши ниятлар билан йўрилган бу сўзлар ўз тасдиқини топди. Бундан буюн ҳам «Гунча» ўзини севган, ўзи севган жажжи мухлислари билан ҳамма вақт бирга бўлишини тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. Телефонлар: 144-64-62; 144-37-87; Факс: 144-69-65 E-mail: jiodat@sarkor.uz www.journalist.uz

ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ИШ ҲИРЛАРИ

Сирдарё вилоятида ёшларни иш билан таъминлашга, хусусан, қишлоқларда ишлаб чиқариш субъектлари ташкил этиб, аҳоли бандлигини оширишда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бөөвут тумани Деҳқонобод қишлоғида иш бошлаган «Хоразм маликиси» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида таъбирланган гиламларга тобора харидор қўлайишмоқда. Дастлаб бу ерга Хоразм ва Жиззах вилоятларидан қўли қул усталар жалб қилиниб, қишлоқ ёшларига гилам тўқиш сирлари ўргатилди. Корхона раҳбарияти қишлоқ худудидеги фойдаланилмай ётган бино ҳисобига цеҳни кенгайтириб, ишини икки соҳнада ташкил этди. — Корхонада биз, ишчилар учун барча қўлайликлар яратилган, — дейди Наргиза Гўлмуродова. — Ҳозир дугоналарим қатори мен ҳам мустақил гилам тўқияман. Энг муҳими, ҳунарни ва ишни бўлганимиздан мамнунми.

Д. ЭСОНОВА, ЎЗА муҳбири.

«Гунча» 50 ЁШДА

Бола эдик. Эртас китоблар доимий ҳамроҳимиз эди. Ханузу ўша эртақларни ўқисам ёки расмларни кўрсам, олис кунларнинг ёқмили ифорлари димоғимга урилади. «Гунча» ҳам шундай, унда ўқилганларим, журналда берилган расмлар болалиқ хотираларимнинг ёруғ саҳифаларида сақланган. Журналнинг ҳар бир сонини сабрсизлик билан кутардим.

У пайт бу нашр ортида қанча меҳнат-машаққат борлигини, қўлаб инсонларнинг хизмати билан журнал қўли-

сони чоп этилганига шу кунларда эллик йил тўлади, — дейди журнал бош муҳаррири Умида Абдуазимова. — Унинг дунёга келиши, мунтазам нашр этилишида хизматини сингган Эркин Жабборов, Абдусодиқ Ирисов, Маҳмуд

катнашиб, юқори ўринларни эгаллашда айнан уларнинг хиссалари бекёб. Журналнинг адади 100 231 та. Дастлаб ўн-ўн беш минг нусхада чоп этилган, ўз вақтида миллион нусхадан ошган журналнинг тиражи кескин камайиб кетган пайтлар ҳам бўлди. Юз мингдан ортқ нусхада, янги Ўзбек алифбосида чоп этилиб, болалар қўлига етиб боришининг ўзи таҳрирчи жамоасининг бугунги қизгин фаолияти эътирофидир. Халқ таълими вазирилик, Мағбуот ва ах-



мизга етиб келишини, табиийки, билмасдик. Бугун ўзим ҳам шу соҳада ишлаб, ки-йинчиликларини тушунганимдан кейин эса «Гунча»нинг қадри ана бир қарра ошгандек. Мана, журналнинг ўтган йилда чоп этилган, шу кунларда нашрдан чиққан янги сонлари қўлима. Уларни бирма-бир арақлар эканман, саҳифалардаги ёркин ранглар болалиқнинг сеҳри ранглари билан уйғунлиги завқимни оширади. — «Гунча»нинг биринчи

сони чоп этилганига шу кунларда эллик йил тўлади, — дейди журнал бош муҳаррири Умида Абдуазимова. — Унинг дунёга келиши, мунтазам нашр этилишида хизматини сингган Эркин Жабборов, Абдусодиқ Ирисов, Маҳмуд

борот агентлиги, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати муассислигида нашр этилаётган журналистик электрон вариантини Интернет тармоғида ҳам ўқиш мумкин. — Утган 50 йилнинг салкам тент ярми давомида «Гунча»га муҳаррирлик қилганидан бехайрман, — дейди қувонч билан Яяра Саъдуллаева. — Шу пайт мобайнида Гунчаой, Тариков ва Темиржонлар билан бирга ўйнадим, қулдим, қўқимди, ургандим. «Гунча» қозонида қайнаган рассомлар, Маҳмуд ака Муродовдек бағридари журналист ва ёзувчиларга тасанно дейман. Утган устозларни Аллоҳ раҳмат қилсин. Улар ишини давом эттираётган жаҳоллар омон бўлишсин. Бугун ҳам журналининг сахиқларини ранг-баранг суратлар, шеърлар билан тўла. Илк сонлари бугун эллик ёшдан ошган олтишнинг тўлдирётганларга завуқ сабоқ улашганидек, истиқлол болаларининг ҳам энг яқин ҳамроҳига айланиб, уларнинг ёруғ орзуларига қанот бағишламодим. Журналнинг илк сонига «Бу — мен «Гунча»-ман. Ўзим мана шу январда туғилдим. Қаёққа қарамай, арча байрам. Маза қилдим. Энди ҳамма вақт сизлар билан бирга бўламан», — деган сўзлар билан бошланган экан. Чин маънода яхши ниятлар билан йўрилган бу сўзлар ўз тасдиқини топди. Бундан буюн ҳам «Гунча» ўзини севган, ўзи севган жажжи мухлислари билан ҳамма вақт бирга бўлишини тилаймиз.

Зумрад ВАХОДОВА, «Миллий тикланиш» муҳбири.

ХИНДИСТОН МИЛЛИЙ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида Хиндистон Республикаси миллий байрами — Республика кунига бағишланган концерт бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Мадааният ва спорт ишлари вазирилик, Хиндистоннинг мамлакатимиздаги элчионаси, Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Хинд маданият маркази ва Ўзбекистон-Хиндистон дўстлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Хиндистоннинг мамлакатимиздаги Факултода ва мухтор элчиси Сканд Ранджан Тайал Ўзбекистон ва Хиндистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига мос равишда изчил ривожланаётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Сўнги йилларда Хиндистон ахборот технологиялари, биотехнологиялар, электроника ва фазовий тадқиқотлар каби соҳаларда сезиларли ютуқларни қўлга киритмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Хиндистон ўртасида юқори технологиялар, иқтисодий, савдо, фан таълим, нефть-газ сановати ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. 2006 йили Тошкент ахборот технологиялари университетида Жа-воҳарлаъ Неру номидаги Ўзбекистон-Хиндистон ахборот технологиялари маркази очилди.

Тадбирда ўзбек ва хинд санъ

Дунё дунё бўлибдики, ҳамма миллат ва элатларда ота-она ва фарзандлар мавзуи эскирмайди. Зеро, ўзбек миллати ҳам қадимдан ота-онани энг мўтабар зот деб билади. Фарзандлар уларни қадрлаб, иззат-хурматини жойига қўйишга, дуоларини олишга ҳаракат қилади. Ота-онанинг дилини ранжитмаслиқни ўйлайди. Уларга яхшилик қилиб, рози қилишни одат қилишади. Ҳатто фарзандлар ота-она касб-хунарини, анъаналарини давом эттиради: «Бу менинг ота касбим, бу менинг она касбим», — деб фахрланадиганлар орамизда учраб туради.

ди. Бу билан ўзларига обрў орттирмакчи бўладилар. Улганда юз соатдан йилгаб тургандан, Уни тиригида бир соат йўқланг, — деб бежизга айтишмаган. Қадимда бир йигит муштипар онаизорини елкасида кўтариб, ҳаж қилдириб келибди. Бу хизматидан ўзи ниҳоятда хурсанд бўлибди. Сўнг бир донишманд кишидан: — Мен онам олдидаги фар-

Ўқинг, қизиқ!

ҲАЁТДА ИБРАТ КЎП

Бир олим тажриба ўтказди. У милтиқ олиб, ёнида тўрт овчинини эргаштириб қаргани «имтиҳон» қилади. Қарга милтиқли овчилар келганини кўриб, баланд дархатнинг тепасига қўниб олиб овчиларни кузатади. Тўрт овчи қаргаларнинг кўз ўнгига ўт-чўпдан ясалган уйга бориб беркиншади. Бироздан сўнг овчининг биттаси кетади. Бироқ қаргалар учиб кетишмайди. Яна бироздан кейин тагин битта овчи кетади. Қаргалар шунда ҳам ўтира беради. Учинчи овчи кетганидан сўнггина қаргалар ерга тушишади. Улар овчиларнинг ҳаммаси кетди деб ҳисоблашган бўлса керак. Бу ҳолатни қаргалар овчилар сонини аниқ кўра олишмаган ёки умур учгача сон билишлари мураккаблиги билан изоҳласа бўлади.

Олимларнинг илмий ҳулосалари ҳайвонларнинг туғма ва шартли рефлекси бор эканлигини, бироқ ўйлаш қобилиятининг йўқлигини исботласа ҳам, уларнинг яшаш учун табиат билан курашиши кишини ажаблантиради. АҚШдаги ҳайвонот боғларидан бирида шимпанзега боғбон қунига 10 та банан берар экан. Бир кун боғбон атайин 8 та банан беради. Шимпанзе уларни еб бўлгач яна банан беради. Лекин бунга қаноат қилмайди. Сўнгги — ўчинчи банани олгандан кейин шимпанзенинг кўнгли ором топиб, ўз жойига бориб ётади.

Африкадаги ҳайвонот боғида ҳайвонларни томоша қилиб юрган бир одам туянинг қўшини филга қараб бўзлаганини кўра-дид-да, бир четда бекиниб қараб туради. Шунда фил туянинг айтганини фахшлаб, кўлмакча бориб хартумига сув тўлдириб олади ва туяга олиб боради. Туя филнинг хартумидаги суви ичиб олгандан сўнггина тинчиди.

Кидирбой Тўлабоев тайёрлади.



Илҳом лаҳзалари
ВАТАН ТОЗА СЕВГИЛАРДЕК СУЮК БЎЛГАЙ...

ЮРТИМ МЕНИНГ

Аломишлар улғаяди бешиқларда, Мусуллар ризқ таради эшиқларда, Гулу гиёҳ унар тарқиш, тешиқларда, Тупроғи отам сўйсан юртим менинг.
Мен ҳаётни танганимман нон ҳидидан, Балки айрон, балки райхон ё тутидан, Одошлар йўл сўрар ҳатто итидан, Сувларини олам сўйсан юртим менинг.
Ғуза чопдим, пода боқдим, титдим китоб, Озодликка ким берди, ким бермади тоб, Мана энди кўрагимга теги оғтоб, Фарзандимга кўёш тутган юртим менинг.
Қишлоқлар қутга тўла бўғдойзорлар, Шаҳарлар нурга тўла чиройзорлар, Қизларнинг изларига бир ой зорлар, Ҳар тонгдан тўла қутсан юртим менинг.
Йўларимиз туташади битта йўлда, Амир Темур тутган маёқ юксак қўлда, Ўз томини баланд тиклаб ўнгу сўлда, Дунёга ўз номин айтган юртим менинг!

ОНА ДИЁР

Тонлар ҳада этсин иссиқ кўёшни, Яна минг йил турсин минг йиллик чинор. Уғонлар севишлар ҳар чўп, ҳар тоши, Дунё турғунча тур, эй она диёр.
Эртанг буғушида ёруғроқ бўласин, Ботиради улғайсин бешиқларингда. Уйларинг бўғдойга, ризқ-рўзга тўласин, Тарихлар тириқсин қўшиқларингда.
Оналар алласи янарасин ҳар кун, Оталар ҳаминча бўласин дўда.
Фарзандлар зўр ишда ёлмоғи учун Биз ёниб яшайлик бузун дўнеда.
Биз ҳам шу Ватанга жонни тиккаймиз, Жасоратимиз бор, бўлмағаймиз хор. Турроғинга ниҳол, кўчат эканмиз, Дунё турғунча тур, эй она диёр!

БИРИНЧИ ЎҚИШУВЧИМ

Ҳарфларни танитган, Қўлымга қалам тутган, Ҳар тонгда очқ чехра, Кўёшдек қулиб кутган, Устоз, адоғинида Кўп йил улағдим, ўзим, Сизга минг бора таъзим, Биринчи ўқитувчим.
Сўзингизга ташнаман, Китоб билан ошнаман, Мехрингиздан баҳраманд Ниҳол баки яшайман. Сиздан ҳаёт ибратин Урганмоқ менинг бурчим. Минг бора таъзим сизга, Биринчи ўқитувчим.
Онамдек меҳрибонсиз, Отамдек соябонсиз, Бизни камола топсин деб Заҳмат чеккан боғбонсиз. Ишончингиз оқлаша Епади захим, кучим, Сизга минг бора таъзим, Биринчи ўқитувчим.
Оқарган соҳарингиз, Эрта тушган бир ажин, Қўзингизнинг нурларини... Бизни тарбиялар чин. Бир кун куча тўламан, Етук илсон бўламан. Билим — менинг қаютиим, Юксак парвоз қилман. Сизга минг бора таъзим, Биринчи ўқитувчим.

ЁШЛАР ҚЎШИҒИ

Ўзимизни чоғлаб улғ ҳимматларга, Биз тайёрмиз миллат учун хизматларга, Бир қарчин алимасдан жаннатларга, Онамиздек асрағаймиз сени, Ватан.
Балаю тутиб тўруримиз, оримизни, Юртга бериб юракдаги боримизни, Ёвга бермай ёлғиримиз, қоримизни, Отамиздек асрағаймиз сени, Ватан.
Ватан тоза севиғлардек суюк бўлмай, Буюк юртининг фарзандлари буюк бўлмай, Ёғиларнинг бағри доим куюк бўлмай, Ёримиздек асрағаймиз сени, Ватан.
Биз ёшларимиз — фидоликдор мамлакатимиз, Ватан бизнинг уйимиз ҳам мактабимиз, Ҳимолда метин бўлар сафларимиз, Оримиздек асрағаймиз сени, Ватан!

Салим АШУР.

ОТА ДУОСИ — УМР МАЗМУНИ

Юсуфали қишлоқ мактабини битиргач, Самарқандга келди. Ўзи орзу қилган институтга кирди. Ўқиш давомида ота-онасига кўп ҳам оғирлиги тушмади. Унинг отаси полвон, тракторчилик касбининг билимдон эди. Кишлоқ аҳлининг хурматини қозонган, иши тушган одамдан ёрдамини армайдиган киши эди. Афсуски, умри қисқа экан. Юсуфали онасини ота ўрнида ҳам кўрди. Унинг айтганларига, ўғит-насихатларига амал қилди, дуосини олди.

Юсуфали ўқишни битириб, ўз туманига иқтисодчи мутахассис бўлиб келди. Меҳнат фаолиятини кичик фермадан бошлади. Ҳалол меҳнати унга бахт келтирди. Бирин-кетин амал погоналаридан кўтарилиб, тумандан вилоятга, вилоятдан эса республика идораларига кўтарилди. Юсуфали ҳали ҳам камтарин ва ҳалол, онасини ҳамда яхши кишиларнинг дуосини олишни қанда қилмайди. Уни яқиндан яхши билганлар, ҳамшилоқлари: «Бу болани ота-онасининг дуоси кўкартирди, камтар бўлди, кам бўлмади», — деб фахрланадиган бўлишди. Худди шундай бир қишлоқлик боқса бир оиланинг фарзанди эса бунинг акси бўлиб чиқди. У ота-онасини ранжитди. Бойлиқни ҳам, лавозимни ҳам кўтара олмади. Амал қамчиси билан у кўпларга ноҳақ озор берди. Порасиз саломга алик олмайдиган бўлди. Охири пора билан уланиб, қамалди. Қайси бир ота-она болам ёмон чиқсин, дейди. Оилада ёмон тарбия бўлмайди. Ота номининг ибтидоси Одам Ато яратилганидан бунён шу зайдла улуглини келинади. Зеро, ўз фарзандидан отаси рози бўлгандагина, ундан Худо ҳам рози бўлади. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам санаб ўтган гуноҳи кабиралар қаторида

оқпадарлик — ота дуоибоди, лаънат, қарғиши ҳам бор. «Отанинг қарғиши ўқ!» — деб бежиз айтилмаган.

Бир ривоятда айтилишича, ўғлининг сарқашлигидан тоқати тоқ бўлиб, ҳеч бир илжосиз қолганининг ўғлига қилган ибратомуз насиҳатлари баён этилган. Улар билан бирга 14-оятда: «Биз инсонга ота-онасини рози қилишликни амр этдик... Менга ва ота-онанга шукр қилгин!» — дейилган.

Маънавият сабоқлари

ган ота ўз уйини тарқ этади. У оч-наҳор, кўп қийинчиликларни бошидан ўтказиб, охири Каъбатуллоҳ васлига восил бўлади. Йиглай-йиглай: «Эй Аллоҳим! Менинг шу бетавфиқ ўғлимга инсоф бергин», — деб илтижо қилади. Қаранки, ўз пуштиқамаридан дунёга келган ўғли туфайли ранжиб, уйдан бош олиб чиқиб кетган ота боласига Аллоҳдан инсоф-тавфиқ сўрабди.

Одатда, ота-она дуоси худди қор-ёмғирга ўхшайди. Ёмғир чанқоқ дов-даракларни, ўт-ўланларни ундиргани каби ота-она дуоси ҳам фарзандларга бахт-омад келтиради, уларни ҳар хил бало-қазолардан сақлайди. «Олтин олма, дуо ол», деб бекорга айтилмаган. Нафақат ота-она, балки муаллим, мураббий-устозлар, олим уфузалар, мўтабар ва табаррук зотлар, мухтожлар, етим-есир, бемор ва мусофир кишиларнинг ҳам дуосини олиш барокатлидир.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Отанинг фарзанди учун қилган дуоси Пайғамбарнинг уммати учун қилган дуоси кабирдир», — деганлар. Яна у зоти бобаракот: «Ота-онанинг фарзанди ҳаққига қилган дуоси энг тез вақтда даргоҳи олий ҳузурда қабул бўлади», — деганлар.

Куръони каримда «Луқмон» сураси бор. Унда Луқмон ҳақим-

нинг ўғлига қилган ибратомуз насиҳатлари баён этилган. Улар билан бирга 14-оятда: «Биз инсонга ота-онасини рози қилишликни амр этдик... Менга ва ота-онанга шукр қилгин!» — дейилган.

«Қобуснома» ўғитлари ҳам ушбу ташбеҳларга монанддир. Қадимда бир киши кечаси уйкудан ўйғониб ўғлидан сув сўрабди. Ўғли сув олиб келгунича отаси яна ухлаб қолибди. Тарбия кўрган ўғил: «Отам ўйғониб қолиб, яна сув сўраб», — деб тонг отгунича қутибди. Одобли, тарбияли болалар, одатда, шундай бўлади. Ота-оналарини иззат-хурмат қилишга, уларнинг дуосини олишга ҳаракат қилади. Бундайлар ота-онаси қилган насиҳатларни жон-дили билан эшитиб, унга амал қилади.

Мўтабар асарларда баён қилинишича, ота-онанинг фарзандлари зиммасида саксонта ҳаққи бор экан. Унинг қирқтаси тириклигида, қирқтаси эса улағидан кейин адо этилади. Ҳаётлигидагининг ўнтаси танга, ўнтаси тилга, ўнтаси дилга ва ўнтаси молу дунёга алоқадордир. Вафотидан кейингилига ўликни ювиш, қафанлаш, айни бир пайтда дод-вой солиб йилғамаслик, ўликни зудлик билан дафн этиш кабилар қиради. Шу билан бирга, ота-она кабрини зиёрат қилиб туриш, уларнинг дўстларини чақириб, оталари яхши кўрган тоғлар билан сийлаш, яхши хотираларини эслаб туриш ҳам қайд этилган.

Айрим фарзандлар ота-онасини ҳаётлигида унутиб қўядилар. Аммо вафотидан сўнг катта-катта маърақалар ўтказиша-

зандлик бурчимни ўтадимми? — деб сўрабди.

— Йўқ, фарзандлар ҳеч қачон ота-она олдидаги бурчларини тўлиқ адо этолмайдилар. Сен бўлсанг, онангнинг гўдак пайтдиндаги бир кечалик ширин уйқусидан воз кечиб, овуганининг ҳаққини адо этдинг, — дебди.

— Нега фақат бештадан нон сотиб олмасиз? — деб сўрабди.

— Бу нонларнинг биттасини ўзим ейман, иккитасини бериб, қарзимни узаман ва яна иккитасини қарзга бераман, — дебди у.

— Кимлардан қарз узасиз ва кимларга қарз берасиз?

— Ота-онамга бериб, қарзимни узаялман. Икки фарзандимни эса қарздор қилиб қўялман, — деб жавоб берибди.

Сен отанга ҳар на қилдинг яхшилик, Кут болангдан яхшиликка яхшилик.

Ха, отанинг фарзанди эмас, балки одобнинг фарзанди бўлайлик! Уларнинг раҳмат-олиқлигини олайлик, қарғишидан сақланайлик.

Абдулҳамид ҲАБИВУЛЛАЕВ, доцент.

ҲИҚМАТ

Ҳақиқат, тўғрилиқни севадиган одам доим виждони фармонига итлоқ қилади ва унинг виждонига ҳеч ким ҳоким бўла олмайд.

Юртимиз ҳақида гап кетганда, сайёҳларнинг кўз олдига аввало Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг маданий ва тарихий ёдгорликлари келади. Аммо Тошкент Халқаро тоғ сайёҳлари клуби аъзолари бундай фикрламайдилар. Уларнинг айтишича, тоғ бағрига сайр қилганда инсон кўз ўнгига ҳайратга солувчи манзаралар пайдо бўлади.

«ТОҒЛАР ОЛАМИ»ГА САЁҲАТ



Фотокўргазма

2005 йилнинг 1 май кунини тоғларни севадиганлардан ташкил толган кичик гуруҳ биргаликда тоғ чўққисига чиқдилар. Шу билан Тошкент Халқаро тоғ сайёҳлари клубига асос солинди. Мана, салкам икки ярим йилдан бери тоғларга саёҳатлар давом этмоқда. Ҳозирги кунда клубнинг 76 нафар аъзоси бор. Йигирмадан ортиқ мамлакатлардан келган чет эл фуқароларидан ташқари, унга жуда кўп ўзбекистон-

ликлар ҳам аъзо. Ойнинг ҳар иккинчи яшанба кунини клуб тоғларга саёҳатлар уюштиради. Ҳар бир саёҳатда ўртача 15 нафар одам катнашади. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Тасвирий санъат галереясида очилган «Тоғлар олами» деб номланган фотокўргазмага тақдим этилган фотосуратлар илк саёҳатдан бошлаб олинган таассуротлар аксидир. Кўргазмага қўйилган фотосуратлар Тим Геттер,

Борис Карпов, Анжелика Рик, Стояна Русинова, Джон Шорба, Вадим Мясников, Анне Суотула ва Анжей Витак томонидан тайёрланган. Кўргазмадан завқланиш, қишлоқларнинг табиат билан ҳамон ҳаёт тарзда ривожланиши, тоғ йўналишларини қайта тиклаш ва ривожлантириш гоёлари ётади.

ФАЙЗИБОНУ. Азамат АҲМАД олган сурат.

Зарина РАҲМОНОВАга АЧИНМАДИМ...

«Ачинмадим юрагининг зорларига, Аммо йиртган бармоқларим бўғаверар. Топиб бер деб битта сурат дардларида, Камзулчамнинг чўнтакларини йиглайверар».

«Ғолиб бўлдим» шеърдан

Суратингни аста олиб чўнтагимдан, Шартта йиртим, ўз наздимда ғолиб бўлдим. Рашк ўтида ҳасратимнинг чанги чиқиб, Саксовулдай чарс-чурс этиб ёниб бўлдим. Эртасига қилмишимдан хижолатда, Кўз ёшимдан шишиб кетди қовоқларим. Ўша кун навбатчидим ошхонада, Ювилмасдан қолди идиш-товоқларим. Суратингни топиб бер деб, ҳар кун кистаб, Камзулимнинг чўнтакларини йиглайверар. Тугмалари қайроқ тошга бошин уриб, Ўз бағрини тиглайверар, тиглайверар...

БИР ИЖОДКОР...

Бир ижодкор ҳаёт чоғида, Куйиб-ёниб шуҳрат доғида, Аскартоғдан мармар ўйдирди, Сўнг ўзига ҳайкал қўйдирди. Фотомухбир эди яқини, Унга бериб меҳнат ҳақини, Ниятини айлади аён... Ҳайкал билан ўзи ёнма-ён Кўкка боқиб сувратга тушди Ва ушбу сўз лабидан учди:

«Бу — Камина. Бу-чи, Келажак! Менинг учун ҳисоб беражак!»

«Сайланмаси» чиқди

нашрдан, Хомийлар қолмади уятга. Кўркам суврат,

ҳайкали билан, Ҳисса қўшди адабиётга...

Турсунбой АДАШБОВЕВ.

Турсунбой АДАШБОВЕВ.

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73. E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Тижорат материалли

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти 22.00. Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 24. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 2830. Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй